

### Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон фармони;
2. <https://www.agro.uz> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларидан фойдаланилган.
3. <https://itm.uz/wp-content/uploads/2022/04/3.%D0%9E%D1%87%D0%B8%D0%BB%D0%BE%D0%B2-%D0%9D.pdf> Очилов Н. «Қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишинг илғор хориж тажрибасининг қиёсий таҳлили» ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2021, 6(142).
4. <https://xs.uz/uzkr/post/hayotimiz-sifati-bugun-ishlab-chiqarish-oziq-ovqat ва-atrof-muhitga-bogliq> "Ҳаётимиз сифати бугун ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва атроф муҳитга боғлиқ"

## ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИНГ БЮДЖЕТ ТУШУМЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

**Турсунбоев А.Ю.**  
Мустақил тадқиқотчи

Табиий ресурслар мамлакат иқтисодиётининг асосий таянчи бўлиб, ишлаб чиқариш ва экспорт фаолияти шароитида чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш талаб қилинади. Мазкур шароитда давлат молиявий ва маъмурий инструментлардан фойдаланади. Хусусан, чекланган ресурслар шароитида давлат эҳтиёжи учун, ишлаб чиқариш ва миллий иқтисодиёт эҳтиёжи учун ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланишни ташкил қилиш долзарб ҳисобланади.

Фойдали қазилмалар асосан стратегик турдаги хомашёларни сотишдан тушган тушум ҳисобидан давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми шаклланади. Бюджетнинг харажатлар қисмини шакллантиришда ушбу даромадлар ҳисобининг алоҳида юритилиши билан ажralиб туради.

Мамлакатимизда 2021-2022 йилларда фойдали қазилмаларнинг янги конларини аниқлашга истиқболли майдон ва структураларда бажариладиган геология-қидиув ишларининг асосий йўналишлари тасдиқланиб, олтин бўйича ушбу давр давомида 70 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 2021 йилда 175 тонна 2022 йилда 200 тонна ресурслар жалб қилиш режалаштирилган [1].

Шунингдек, 2021-2022 йилларда республика минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш учун фойдали қазилма захираларини кўпайтиришининг асосий кўрсаткичлари тасдиқланган бўлиб, 2022 йилда фойдали қазилма турлари бўйича 112 тонна олтин,

355 тонна қумуш, 255 тонна мис захираларини қўпайтириш вазифа қилиб белгиланган [1].

Фикримизча, стратегик турдаги фойдали қазилмаларнинг қазиб олиш ҳажмини ошириш дунё ҳамжамиятида мамлакатимизнинг олтин валюта захира фондини мустаҳкамлашга ҳамда халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Шунингдек, ер қаъри участкаларида қазиб олиш ишларини тартибга келтириш ҳамда мавжуд қонунчилик ҳужжатларини бирлаштириш орқали тўғридан-тўғри амал қидишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 март кунги “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун рухсатномалар бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 133-сон қарори қабул қилинди ва “Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги” низом тасдиқланди.

Ўрганишлардан маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4839-сон қарорида 2021 йил 1 январдан бошлаб НКМК ДК ва ОКМК АЖга ер қаъридан фойдалангандик учун солиқ ставкаси олтин, палладий, кумуш ва мис бўйича 20 фоиз ўрнига 15 фоиз миқдорида белгиланган. Шу сабабдан сўнги йилларда ушбу тармоқ корхонадари томонидан тўланган солиқ улушининг камайиши кузатилган.

#### 1- жадвал

#### Ер қаъридан фойдалангандик учун солиқнинг бюджет тушумларидағи улуши (2012-2022 йй млрд.сўм)

Солиқ турлари номи	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Республика бўйича жами	16 576,4	19 818,7	23 400,5	27 530,2	31 428,5	37 750,9	54 202,8	83 323,9	103 561,7	127 970,4	143 472,12
Ер қаъри фойдалангандик учун солиқнинг улуши (фоиз)	12,2	11,1	9,7	9,1	8	9,2	15,2	17,6	16	12,4	10

**Изоҳ:** Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисб-китоби.

1-жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, 2012 йилда республика бюджети тушумлари таркибида ер қаъридан фойдалангандик учун солиқнинг улуши 12,2 фоизни ташкил қиласиган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилгача камайиш тенденциясини қайд этган бўлиб, 2018-2019 йиллар давомида ушбу солиқ турининг улуши 15,2-17,6 фоизни ташкил қиласиган

бўлса, 2020 йилдан сўнг солиқ тушумларида камайиш тенденциясини кузатилган. Қолаверса 2022 йилга келиб, бюджет даромадларининг ўртacha 10 фоизи ушбу солиқ турига тўғри келганлигини кўришимиз мумкин. Фикримизча тушумларнинг камайишига юқорида таъкидлаганимиздек ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси олтин, палладий, кумуш ва мис бўйича 20 фоиз ўрнига 15 фоиз миқдорида белгиланганлиги асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу давр оралиғида асосий даромад манбаи ҳисобланган олтин учун солиқ ставкаси 15 фоиздан 10 фоизга туширилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 451-моддасига асосан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг солиқнинг солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма ҳажмининг қиймати бўлса, қазиб олинган (ажратиб олинган) қора, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металларнинг, шунингдек ноёб элементларнинг ва ноёб ер элементларининг ҳақиқатда реализация қилинган ҳажми қиймати сифатида белгиланган.


Мазкур солиқ турининг асосий тушум манбаи қимматбаҳо ва рангли металларни реализация қилишдан олинган даромадлар ҳисобига шаклланади. Мазкур маҳсулотлар мамлакатимиздаги йирик солиқ тўловчилардан бири бўлган Навоий кон металлургия комбинати ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан қазиб олинади.

Фикримизча, амалиётда қора, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металлар бўйича солиқ базасини аниқлашнинг халқаро стандартларига асосланган методларини жорий қилиш лозим. Амалдаги нормаларда ушбу тармоқ корхоналари томонидан солиқ базаси қазиб олинган фойдали қазилма ҳажмига нисбатан аниқланиб, қайта ишлаш натижасида олинган металларнинг реализация қилинганлиги ёки қилинмаганлиги солиқ базасига боғлиқ бўлмаган ҳолда аниқланган.

Шунинг учун, қора, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металлар бўйича солиқ базасини аниқлашда металларнинг ҳақиқатда реализация қилинганлигини эътиборга олиш муҳим.

Сабаби қора, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металлар амалиётда руда, концентрат ва (ёки) тайёр маҳсулот сифатида реализация қилинсада, солиқ базаси руда ва концентратнинг таркибида мавжуд бўлган металл ҳажмига нисбатан қўлланилади. Ушбу кўрсаткич фоиз кўринишида геология қидириув ишлари якуни бўйича ишлаб чиқилган ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан комплекс экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асос хужжатларида акс этган бўлади.

Кўйида хорижий мамлукатларда металлар бўйича солиқ ставкасининг ўзгариш динамикаси акс этган бўлиб, мамлакатимизда ушбу турдаги фойдали қазилмалар учун белгиланган ставка нечоғлик юқори эканлигини англаш қийин эмас.



XX Сопоставимые страны

### 1-расм. Дунё мамлакатларида мисга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси, %да [2]

1-расм маълумотларидан қўриниб турганидек, дунё бўйича мисга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси зртacha ҳисобда 6-8 фоизни ташкил қилиб, энг юқори ставка Монголияда 18,3%га teng бўлса, Аргентинада ушбу махсулот учун солиқ ставкаси 1,1%ни ташкил қиласди. Дунёнинг қатор ривожланган мамлакатлари ҳусусан Филиппинда 4 фоиз, Жанубий Африка Республикасида 3,8 фоизни ташкил қиласди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қазиб олинган (ажратиб олинган) қора, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металларнинг, шунингдек ноёб элементларнинг ва ноёб ер элементларининг ҳақиқатда реализация қилинган ҳажми қийматини солиқ базаси сифатида белгилаш таклиф этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минералхом ашё базасини кенгайтиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5083-сон қарори

2. Базаров Х.М. Кам рентабелли конларни хўжалик фаолиятига жалб қилишда халқаро тажриба: Ўзбекистон Республикаси ва хориж амалиёти. «Логистика ва иқтисодиёт» илмий электрон журнали, 2022 йил. 1-сон. 115-121-бетлар.